

Аёлнинг бардоши



10:37 / 22.03.2025 1954

Метрода кетаётган йўловчилардан бири қаршисидаги жуфтликни кўриб, бу ҳолатни расмга олди. Чунки у ерда эркак аёлининг елкасига бош қўйиб, шу ҳолатда йигирма дақиқадан ортиқроқ қоладилар. Бу ҳолатни расмга олган одам аввалига анча иккиланган ва расмдагилар шу ҳолда йигирма дақиқадан ортиқроқ қолишгандан сўнг уларни расмга олибди.

Аёл эрининг елкасига бош қўйганидан малолланмабди ва чарчамабди.

Агар аёл киши сизни севса, қолган умрида сизнинг барча оғирлигингизга бардош бера олади.

Агар аёл киши сизни севса, аёл фақат сизни эмас, балки фарзандларингизни, хонадонингизни, ёмон одатларингизни, асабийлигингизни ҳам кўнглига сиғдира олади. У сизнинг машаққатли

онларингизни, хизмат вазифангизни ўтаётганингизда раҳбарингиз билан бўладиган ҳар кунги келишмовчиликларни ҳам кўнглига сиғдира олади. Ҳар йиғлаганингизда, бемор бўлганингизда ёнингизда дардкаш бўлади. Атрофингизда ҳеч бир инсон қолмаса ҳам у қолади. Кун давомида сиз зиёрат қиладиган энг меҳрибон жой – сизни севадиган аёлнинг бағридир. Булар сизнинг онангиз, синглингиз, аёлингиз ва қизингиздир. Бу макон ўзи кичик ва мўрт бўлса-да, сиз туфайли бутун олам ташвиларига бардош беради, сиғдиради. Қандай қилиб дейсизми? Биргина муҳаббат билан. Биргина муҳаббат туфайли сизни севадиган аёлнинг елкаси дунёдек кенг бўлиб қолади.

Нозимжон Ҳошимжон

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.